

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ



«МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ»
фанидан

КУРС ИШИ

Мавзу: Тугалланмаган ишлаб чиқариш сарфларини аниқлаш, баҳолаш ва
ҳисобга олиш.

Бажарди:

52-10 гуруҳ талабаси Хомидов С.

Қабул қилди:

Эрматов А.

Қабул қилиб олинган

сана «____» _____ 2013 й.

Фарғона – 2013 й.

Режа:

Кириш. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тугалланмаган ишлаб чиқариш сарфларини тўғри ташкил этиш зарурати.

Асосий қисм:

1. Хўжалик фаолиятининг ишлаб чиқариш жараёнлари ва тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисида тушунча
2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш сарфлари таркиби ва уларни шакллантириш
3. Тугалланмаган ишлаб чиқариш сарфлари ҳисобини назорат қилувчи меъёрий ҳужжатлар
4. Тугалланмаган ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш усуллари
5. “Microclimate” корхонасининг тугалланмаган ишлаб чиқариш сарфлари ҳисоби¹

Хулоса. Таннархни пасайтириш бўйича тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

¹ Корхона номи шартли равишда ўзгартирилган.

Кириш. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида тугалланмаган ишлаб чиқариш сарфларини тўғри ташкил этиш зарурати.

Мамлакатимизда иқтисодийни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, иновацион технологияларни кенг жорий этиш ишлари кенг кўламда амалга оширилмоқда. Шу аснода, мазкур субъектлар молиявий муносабатларини бозор талабларига жавоб берадиган даражада такомиллаштириш, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини самарали камайтириш орқали экспорт салоҳияти юксалтириш корхоналарни келгусида мувофақиятли ривожланишини таъминлайди.

Шу сабабли, корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини камайтиришда юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш ва уларнинг молиявий барқарорлигини янада ошириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигикибига киритни ошириш. Шу мақсадда 2008 йил хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодийтимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоизга туширишга қаратилган чора тadbирларни амалга ошириш борасидаги тақлифларни маъқулланганини қайд этиш лозим”.²

Шунинг учун, корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини камайтиришдаги муаммоларни ҳал этиш йўллари такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш лозим.

Таннархни шакллантиришда тугалланмаган ишлаб чиқариш сарфларини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Таннарх таркибига

² И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: Ўзбекистон, 2009. 33-34-бетлар.

киритиладиган харажатлар ҳисобини тўғри юритиш эса таннархга сезиларли таъсир кўрсатади. Таннарх таркибига киритиладиган харажатлар материал харажатлари, иш ҳақи харажатлари, иш ҳақиға нисбатан ижтимоий суғурта, амортизатсия харажатлари ва бошқа харажатлар.

Ҳар бир харажат турини тўғри юритишнинг аҳамияти.

Материал харажатлари ҳам маҳсулот таннарҳига, ҳам маҳсуот сифатига таъсир кўрсатади. Ушбу харажатларни қайси усул билан танарх таркибига киритилиши ҳам маҳсулот таннарҳига сезиларли таъсир кўрсатади. Мисол учун материал нарҳи ўсиб бораётган бир вақтда ФИФО усули ёрдамида маҳсулот таннарҳини анча паст баҳода ҳисобга олиш мумкин.

Иш ҳақи харажатлари маҳсулот таннарҳида салмоқли ўрин эгаллайди. Шунини ҳисобга олиб иш ҳақи харажатларни тўғри юритиш аҳамиятли ҳисобланади. Шу билан бирга ижтимоий суғурта харажатлари ҳам бевосита иш ҳақи харажатларига узвий боғлиқдир. Шунинг учун, бу ҳисобни тўғри юритиш шунинг ҳақи ҳисобини юритиш билан тенг аҳамиятли.

Амортизатсия ҳисоблашнинг ҳам бир нечта усуллари мавжуд бўлиб, бу усулларни қайси бирини танлаш ҳам ушбу ҳисобни юритишнинг аҳамиятини яна ҳам оширади. Чунки бир усулда амортизатсия ҳисобланганда ҳар йили бир ҳил суммада амортизатсия ажратилса, бошқасида аввалига икки баробар кўп суммаларда амортизатсия ажратиб, кейинчалик эса бирданига амортизатсия миқдори ўзидан-ўзи камайиб кетади. Бу маҳсулот таннарҳи аввалига катта суммаларда ҳисобланиб кейин эса камийишини кўрсатади.

Шундай қилиб тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини тўғри юритиш натижасида нафақат таннарҳни камйтириш, балки ишлаб чиқариш самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш ва пировард натижада корхонанинг кўпроқ фойда олишига эришишимиз мумкин.

Хўжалик фаолиятининг ишлаб чиқариш жараёнлари ва тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисида тушунча

Ишлаб чиқариш жараёни — корхонанинг мураккаб ва кўп қиррали фаолияти асосида ташкил топган бўлиб, унинг асосий вазифаси дастлабки хом-ашёни тайёр маҳсулотга айлантиришдир. Ишлаб чиқариш жараёни меҳнат воситаси ишлаб чиқариш қуроли ва жонли меҳнат ҳаракати йиғиндисидан иборат бўлиб, хом-ашёнинг тайёр маҳсулотга айлантиришга хизмат қилади. Маълумки хом-ашёларнинг тайёр маҳсулотга айланишига ҳамма жараёнларнинг роли бир хил бўлмайди.

Баъзи жараёнлар хом-ашёнинг (масалан: пиво пишириш жараёнида пиширувчи қоғозлар ёки консерва заводида пастеризация жараёнлари) тайёр маҳсулотга айлантиришда бевосита қатнашади. Шундай жараёнларнинг йиғиндиси асосий ишлаб чиқаришни ташкил этади. Айримлари эса хом-ашёнинг тайёр маҳсулотга айланишида керакли имконият яратади. Булар корхонага тайёр маҳсулот етказиб бериш, дастгоҳларини тузатиш, электр қуввати билан таъминлаш, тайёр маҳсулотларни жўнатиш каби ёрдамчи жараёнлар йиғиндисидан иборат. Бу жараёнлар йиғиндисига ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёни деб аталади.

Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнлари ва қисман меҳнат бир — бири билан ўзаро боғлиқ тарзда йўлга қўйилган ҳолда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш натижасида корхона юқори даражадаги самарадорлик кўрсаткичларга эришади.

Асосий ишлаб чиқариш тугалланмаган ишлаб чиқариш деб ҳам юритилади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш — ярим тайёр маҳсулотлардан фарқ қилиб, бирон-бир цех ёки участкада қайта ишлаш жараёнини ўтаб бўлмаган меҳнат буюмларидир. Бошқача қилиб айтганда, тугалланмаган ишлаб чиқариш деб, технологик жараёнда кўзда тутилган ҳамма ишлаб чиқариш босқичини ўтмаган, техника назорати томонидан текшириб қабул қилинмаган буюм ва

маҳсулотларга айтилади. Уларга бевосита иш жойлари, дастгоҳларда қайта ишлаш жараёнини ўтаётган буюмлар киритилади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари— бу маҳсулот ёки хизмат таннарҳига киритиладиган сарфлардир.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатларининг туб моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, бу асосан маҳсулот таннарҳи таркибига киритиладиган харажатлар тушунилади. Ушбу харажатлар қуйидгича гуруҳланади:

1. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар;
2. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
3. Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;
4. Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар;
5. Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар;

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатлар таркибига хом-ашё ва материаллар, бутловчи қисмлар ва ёрдамчи материаллар, асбоб-ускуналарни тузатиш бўйича эҳтиёт қисмлар, хўжалик буюмлари ва асосий воситалар таркибига кирмайдиган меҳнат воситалари каби харажатлар киритилади.

Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари бу ишлаб чиқаришдаги ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ ходимларга ҳисобланадиган иш ҳақи суммаларидир.

Хозирги кунда республикамизда ишлаб чиқаришдаги ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ ходимларга ҳисобланадиган иш ҳақи суммаларининг 25 % миқдоридаги ажратма ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғурта харажатлари ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ асосий воситаларнинг ва номоддий активларнинг хизмат муддатига нисбатан ва тузатиш қиймати ҳисобга олинган ҳолда ҳисобланадиган, унинг бошланғич қийматидан чегирилиб ишлаб

чиқарилаётган маҳсулот таннархига киритиладиган қийматига асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар дейилади.

Юқоридагилар қаторида ҳисобга олинмайдиган, лекин маҳсулот таннархи таркибига киритиладиган харажатлар ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар дейилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш сарфлари таркиби ва уларни шакллантириш.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш сарфлари таркибига юқорида санаб ўтилган харажатлар турли усуллар билан киритилади. Қуйида маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларни ҳисобга олиш усуллари кўриб чиқамиз.

Хом-ашё ва материал харажатлари. Бу харажатлар “Тугалланмаган ишлаб чиқариш” сметида қуйидаги усуллар натижаларига кўра кирим қилинади:

а) Ялпи солиштириш (идентификация) усули – ўзаро алмаштирилмайдиган захираларнинг алоҳида моддаларининг таннархи, шунингдек, махсус буюртмалар учун мўлжалланган ва ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар таннархи ҳам яқка тартибдаги аниқ харажатларни солиштириш қилиш йўли орқали аниқланиши лозим. Харажатларни махсус солиштириш қилишнинг маъноси - махсус харажатлар захираларнинг алоҳида моддасига олиб борилади.

б) Ўртача тортилган қиймат усули (ABECO) -материаллар ҳар бир бирлигининг қиймати ҳисобот давридаги бошида бир турдаги материал birlikлари ва ҳисобот даври давомида сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилган бир турдаги birlikларнинг ўртача тортилган қиймат бўйича аниқланади. Материал бирлигининг ўртача тортилган қиймати Материалнинг бутун қийматини шу материаллар birlikларининг сонига бўлиш билан аниқланади.

в) Биринчи харид баҳолари бўйича баҳолаш усули (ФИФО) - (биринчи кирим - биринчи чиқим) - биринчи навбатда сотиб олинган материалларнинг таннархи биринчи навбатда ишлаб чиқаришга берилган материалларга олиб борилиши керак деган тахминга асосланган. Ҳисобот даврининг охирига мавжуд бўлган материалларнинг таннархи, охирги сотиб олинган материалларга тааллуқли бўлади, ишлаб чиқаришга берилган материалларнинг таннархи эса олдин сотиб олинганларга мувофиқ келади. ФИФО усули материалларни амалдаги ҳақиқий жисмоний ҳаракатига боғлиқ бўлмаган ҳолда, ҳар қандай тармоқ корхоналари томонидан қўлланилиши мумкин, чунки у материаллар ҳаракатини эмас, қиймат ҳаракатини ҳисобга олади. Инфляция шароитида ФИФО усули соф фойданинг энг юқори бўлган даражасини тааминлайди.

Буни сабаби шундаки, компаниялар жорий нархлар ошганда сотиш нархларини ҳам оширишга интиладилар, аммо шу ҳолат инобатга олинмайдиги материаллар нархларни ўсишидан илгари сотиб олинган бўлиши мумкин. Нархларни пасайиши шароитида эса тегишли равишда буни тескари жараёни кузатилади. Шунинг учун ФИФО усулининг асосий камчилиги шундан иборатки, у фойда кўрсаткичига иқтисодий ривожланиш цикли таъсирини кучайтиради. Ушбу усулнинг асосий афзаллиги шундан иборатки, ушбу усулнинг механикаси материалларига жорий харажатларига яқин бўлган баҳони беради.

г) Охирги харид нархлари бўйича баҳолаш усули (ЛИФО) - (охирги кирим - биринчи чиқим) - охирги харид қилинган материалларнинг таннархи биринчи навбатда ишлаб чиқаришга берилган материалларнинг қийматини аниқлаш учун, ҳисобот даврининг охирига бўлган материалларнинг таннархи эса биринчи навбатда харид қилинган материаллар таннархи асосида ҳисоб қилинади деган тахминга асосланган. Ушбу усулни қўллаш инфляция шароитида энг кам бўлган фойдани ва дефляция жараёнларида эса энг кўп бўлган соф фойдани беради. Шундай қилиб, иқтисодий ривожланиш цикли

(кўтарилиш ва инқироз) таъсирини юмшатиш имкониятини яратади. Ушбу усулнинг камчилиги шундан иборатки, вақт ўтган сари ЛИФО усули бўйича материалларни баҳолаш ҳақиқатдан борган сари узоқлашади ва сотиб олишга кетган ҳақиқий харажатларни ҳам, ўрнини босадиган харажатларни ҳам акс эттира олмайди.

ЛИФО усули компаниянинг пул маблағларини ҳаракатига имкон яратса ҳам, аммо барча компаниялар ҳам уни ишлатмайди:

(а) аксарият компаниялар миллатлараро бўлиб, ЛИФО усули таъқиқланган давлатларда операцияларни амалга ошириши мумкин;

(б) ҳозирги пайтда иқтисод умумий ҳолда инфляцияни кечиришига қарамадан, товар заҳираларнинг муайян буюмларига бўлган нархлар ошмаслиги мумкин (масалан, электроникага бўлган нархлар пасаяди);

(в) ЛИФО усули ёрдамида пул маблағлари ҳаракатини яхшиланиши бир акцияга тўғри келадиган даромадни акс эттирувчи ҳисоботни қисқариши кузатилади.

Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандартлари материалларни баҳолашда ЛИФО усулини қўллашга тавсия қилмайди.

Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалари “Тугалланмаган ишлаб чиқариш” сче­тига тўғридан-тўғри олиб борилади.

Асосий воситаларнинг амортизацияси қуйидаги усуллар ёрдамида ҳисобланади:

Амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш.

Амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усулида амортизация тенг маромда, асосий воситаларни фойдали ишлатиш муддати

мобайнида уларнинг амортизацияланадиган қийматидан келиб чиққан ҳолда тенг улушларда ҳисобланади.

Мазкур усулга кўра асосий воситалар объектининг амортизацияланадиган қиймати унинг хизмат муддати давомида тегишли харажатларга тенг маромда ҳисобдан чиқарилади (таксимланади). Усул амортизация меъёри фойдали хизмат муддатининг фаолиятига боғлиқлигига асосланган. Ҳар бир давр учун амортизация ажратмалари суммаси амортизацияланадиган қийматни объектдан фойдаланилган ҳисобот даврларидаги сонига бўлиш йўли билан ҳисобланади.

Амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усулида амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси асосий воситалар объектининг бошланғич (тиклаш) қийматидан келиб чиқиб, мазкур объектнинг тугатиш қийматини ва фойдали ишлатиш муддатини айирган ҳолда, белгиланади. Бу усулда амортизация қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\text{Амортизация} = \frac{\text{БК} - \text{ТҚ}}{\text{ХМ}}$$

Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда амортизацияни ҳисоблаш (ишлаб чиқариш усули).

Амортизацияни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усули ҳар бир муайян йилдаги асосий воситалар объектининг маҳсулотларини ҳисобга олишга асосланган.

Мазкур усул бўйича ҳар йиллик амортизация ҳажмини ҳисоб-китоб қилиш учун бутун фойдали ишлатиш муддатидаги умумий баҳоланган маҳсулотлар йиғиндисини ва мазкур муайян йилдаги маҳсулотларни аниқлаш лозим. Маҳсулот сифатида ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирликлари сони, ишланган соатлар сони, ўтиб бўлинган тонна-километрлар сони ва бошқалар олиниши мумкин.

Амортизацияни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усулида йиллик амортизация ажратмалари суммаси ҳисобот давридаги маҳсулот (ишлар,

хизматлар) ҳажмининг натурал кўрсаткичидан ҳамда тугатиш қийматини айирган ҳолдаги асосий воситалар объектининг бошланғич (тиклаш) қийматининг асосий воситалар объектини бутун фойдали ишлатиш муддатидаги назарда тутилаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмига нисбатан мутаносиблигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

$$\text{Амортизация} = \frac{\text{Йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори}}{\text{Йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори}} \times \text{Йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори}$$

Асосий воситалардан интенсив фойдаланилганда, шунингдек илмий-техникавий жараённинг катта таъсирида асосий воситалар амортизацияси қуйидаги усулларда ҳисобланадиган **жадаллаштирилган амортизация йўли** билан ифодаланади:

- а) икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули;
- б) йиллар суммаси усули (кумулятив усул).

Икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули амортизацияни ҳисоблаш даврида амортизацияланадиган актив қийматининг камайтирилиши аниқланади.

Мазкур усулга кўра тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усулидан икки баравар амортизация меъёри мазкур ҳисобот давридаги асосий воситанинг тегишли қолдиқ қийматига кўпайтирилади. Икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули бўйича амортизацияни ҳисоблашда фарз қилинаётган тугатиш қиймати бошланғич (тиклаш) қийматидан чегирилмайди.

Икки баравар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усулида йиллик амортизация ажратмалари суммаси ҳисобот йили бошидаги асосий воситалар объектининг қолдиқ қийматидан ва мазкур объектни фойдали

ишлатиш муддатига боғлиқ ҳолда ҳисобланган амортизациянинг икки барабар меъёридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Йиллар суммаси усули (кумулятив усул)га кўра ҳар йили амортизация меъёри амортизация муддати охирига қадар қоладиган амортизацияланадиган қийматга улуш сифатида аниқланади. Улуш амортизация ажратмалари тугагунига қадар қоладиган тўлиқ йиллар сонини амортизация муддатини ташкил қиладиган йиллар тартиб сонлари суммасига бўлиш орқали аниқланади.

Йиллар суммаси усулида (кумулятив усулда) амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси асосий воситалар объектининг тугатиш қиймати айирилган ҳолда бошланғич (тиклаш) қийматидан ҳамда суратида объектни фойдали ишлатиш муддатининг охирига қадар қоладиган йиллар сони, маҳражида эса - объектни фойдали ишлатиш муддати йиллари сони суммасининг нисбатидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

$$\text{Амортизация} = \frac{\text{БҚ} - \text{ТҚ}}{\text{Кумулятив сон}} * \text{Мос йил коэффициентини}$$

$$\text{Кумулятив сон} = \frac{\text{ХМ} * (\text{ХМ} + 1)}{2}$$

ХМ 1 2 3 ... n-1 n

МЙК n n-1 2 1

Юқоридаги барча харажатлар тайёр маҳсулотнинг аниқ бир турига мансуб бўлгандагина “Тугалланмаган ишлаб чиқариш сарфлари” сче­тига тўғридан-тўғри киритилади. Акс ҳолда барча ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар “Ишлаб чиқариш устама харажатлари” сче­тига олиб борилади.

Ишлаб чиқариш устама харажатлари (ИУХ) - бу ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган, лекин одатда тайёр маҳсулотнинг аниқ бир турига бевосита тегишли деб бўлмайдиган хилма-хил сарфларнинг йиғиндисидир.

Ишлаб чиқариш устама харажатлари қуйидаги сабабларга кўра маҳсулот таннархига ўтказилади;

- **Маҳсулот бирлигига сарфланган жами харажатларни аниқлаш.** Агар нархнинг шаклланиши сарф-харажатларга асосланган бўлса, у ҳолда устама харажатларни ҳисобга олмаслик нарх белгилашда хатоликларни келтириб чиқариши мумкин.
- **Захиралар таннархини аниқлаш.** Молиявий ҳисоботларнинг миллий стандартига мувофиқ *«захиралар таннархи захираларни сотиб олиш, қайта ишлаш харажатларини ҳамда жорий ҳолатига ва жойига келтириш мақсадида қилинган барча харажатларни ўз ичига олиши керак»* ишлаб чиқариш устама харажатлари қайта ишлаш билан боғлиқ харажатларга қўшилади ва шу сабабли захираларнинг таннархига киритилиши лозим.

Устама сарфларни тақсимлаш 2 босқичда амалга оширилади:

- **Устама сарфларни тақсимлаш базаси**
- **Устама сарфларни тақсимлаш усуллари**

Устама харажатларни тақсимлаш компанияда ишлаб чиқарилган барча маҳсулотларга ёки компания ўз мижозларига кўрсатадиган хизматлар учун умумий базани танлаш орқали амалга оширилади.

Тақсимлаш базаси сифатида ишлаб чиқариш бўлинмаларининг устама харажатларига тўлароқ мос келадиган омил танланиши лозим.

База сифатида кўпинча қуйидагилар олинади:

- Ишлаб чиқаришда ишлаган ишчиларни иш вақти;
- Ускуналарни ишлаган вақти;
- Меҳнат сарфлари;
- Ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлиги.

$$\text{ИУХни тақсимлаш ставкаси} = \frac{\text{Устама сарфлар}}{\text{Базанинг қиймати}}$$

Устама харажатларни амалдаги миқдориға асосланиб тақсимлаш ставкасини ҳисоблаш кўпинча бир қанча муаммони келтириб чикаради:

- Буюртмаларнинг таннархини ҳисоблаш ҳисобот даври тугагунча кечиктирилиши лозим, чунки устама харажатлар ва ишлаб чиқариш ҳажмини бундан олдин ҳисоблаб бўлмайди;
- Устама харажатлар ҳам, ишлаб чиқариш фаолияти ҳам ой сайин ўзгаради ва устама харажатларни тақсимлаш ставкаларининг кўп даражада ўзгаришига олиб келади.
- Ишлаб чиқариш устама харажатларини тақсимлашнинг режа ставкасини ҳисоблаш қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:
- Устама харажатлар кутилаётган миқдорини ҳисоблаш;
- Устама харажатларни тақсимлаш базасини танлаш;
- Келгуси давр учун кутилаётган устама харажатлар миқдорини базанинг кутилаётган миқдориға тақсимлаш;
- Ушбу ставкадан фойдаланиб, устама харажатларни маҳсулотнинг ҳар бир туриға ўтказиш.

Режа ставкасини ҳисоблаш учун фойдаланиладиган прогноз маълумотлар амалда ҳақиқий маълумотларга мос келмайди. Бундай ҳолатда маҳсулот таннархига ўтказилган устама харажатлар ҳақиқатда қилинган устама харажатлар суммасидан фарқ қилади, бу эса устама харажатларнинг тўла тақсимланмаслигига олиб келади ёки устама харажатларнинг ортиқча тақсимланишига сабаб бўлади:

Тўла тақсимланмаган устама харажатларни ёки ортиқчаси билан тақсимланган устама харажатларни икки усул билан ҳисобдан чиқариш мумкин:

- Тузатиш киритилган (корректировка) суммаси "Реализация қилинган маҳсулот таннарни" сметиға ўтказиш орқали.
- Тузатиш киритилган (корректировка) суммаси учта "Тугалланмаган ишлаб чиқариш", "Тайёр маҳсулот" ва "Сотилган маҳсулот таннарни" сметилари колдиғиға мутаносиб тақсимлаш орқали.

Хизмат кўрсатувчи бўлинмалар ишлаб чиқариш цехлариға хизмат кўрсатишдан ташқари бир бирлариға ҳам хизмат кўрсатади. Бундай боғлиқликда харажатларни тақсимлаш ишлари қийинлашади.

Устама харажатларни тақсимлаш бир неча усул билан амалға оширилиш мумкун:

- тўғри усул;
- кадамли усул (босқичли усул);
- қайта тақсимлаш усули;
- чизиқли тенгламалар тизими асосида.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш сарфлари ҳисобини назорат қилувчи меъёрий ҳужжатлар.

Ҳар қандай фаолият қонунлар, низомлар ва меъёрий ҳужжатлар билан тартибға солиб турилади. Шу билан бир қаторда тугалланмаган ишлаб чиқариш сарфлари ҳисоби ҳам бир нечта қонун ва меъёрий ҳужжатлар билан тартибға солинади ва назорат қилинади.

“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун.

Ушбу қонун 1996-йил 30-августда қабул қилинган. Бу қонун бутун хўжалк юритувчи субъектлар фаолиятини тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Ҳамма қарор ва низомлар ушбу қонундан четга чиқмаган ҳолда ишлаб чиқилади. Бу қонуннинг мақсади фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдир. Ушбу қонун бир нечта вазифаларни бажаради:

- ✓ бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқулар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисида тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;
- ✓ самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;
- ✓ молиявий, солиққа доир ва бошқа ҳисоботларни тузишдан иборатдир.

Бу қонун корхона ташкил этилган кундан бошлаб то тугатилгунга қадар амалга оширадиган барча бухгалтеруя операрсияларни, яъни ҳужжатлаштириш, ҳисобни юритиш, молиявий натижаларни тузиш ва тақдим этиш, ҳужжатларни сақлаш кабиларни назорат қилади. Бунга мисол қилиб “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасини олишимиз мумкин: ” Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган шахслар қонун ҳуллаатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар”.

Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БХМС).

Бу меъёрий ҳужжат “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонундан четга чиқмаган ҳолда ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон республикасида бухгалтерия ҳисобини юритишни стандартларини белгилаб беради. Ушбу ҳужжатда 24 та стандарт берилган бўлиб, уларнинг ҳар бири маълум фаолиятни қамраб олади.

БҲМС №4

БҲМС №4 “Товар моддий захиралар” деб номланади. Ушбу стандарт "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш элементи бўлиб ҳисобланади.

Мазкур БҲМСнинг мақсади ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар юридик шахсга мулк ҳуқуқида тегишли бўлган товар-моддий захираларнинг бухгалтерия ҳисоби услубияти ва молиявий ҳисоботда акс эттирилишини белгилаш ҳисобланади.

Ушбу Стандарт товар-моддий захираларнинг таннарини ҳисоблаш асосида тайёрланган молиявий ҳисоботларни тузиш ва очишда хўжалик субъектлари томонидан қўлланилади, қуйидагилар бундан мустасно:

- ✓ Пудрат қурилиши бўйича тугалланмаган ишлар, шу жумладан улар билан боғлиқ ишлар, хизматлар бўйича контрактлар;
- ✓ Молиявий воситалар;
- ✓ Қорамоллар, қишлоқ хўжалик товарлари ва минерал рудаларнинг ишлаб чиқариш захиралари, улар ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларидаги ўзига хосликларга кўра сотишнинг соф қиймати бўйича баҳоланишини ҳисобга олган ҳолда.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш харажатлари бевосита ва билвосита, ўзгарувчан ва доимий ишлаб чиқариш харажатларини ўз ичига олади.

Бевосита харажатлар - битта маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ харажатлардир, шу жумладан:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлари;
- асосий ишлаб чиқаришдаги ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари;

- ишлаб чиқаришга тааллуқли ижтимоий сугурта учун ажратмалар.

Ушбу харажатлар ўзгарувчандир, чунки уларнинг миқдори ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши билан бевосита боғлиқдир.

Билвосита харажатлар - ёрдамчи ишчиларга вақтбай иш ҳақи тўлаш, ишлаб чиқариш асосий воситаларининг амортизацияси, ишлаб чиқариш асосий воситаларини сақлаш, жорий ва капитал ремонт қилиш ва маҳсулот ҳажмининг ўзгаришидан қатъи назар нисбатан доимий бўлиб қоладиган бошқа харажатлар сингари ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш аҳамиятидаги харажатлардир.

Бу стандартда корхонада ишлаб чиқарилган товар-моддий захираларнинг таннархи ва Товар-моддий захираларнинг таннаrxини аниқлаш усуллари каби “тугалланмаган ишлаб чиқариш” сметиға алоқадор бўлимлар келтирилган. Ушбу бўлимлардаги усулларға асосланиб маҳсулот таннархи шакллантирилади.

БҲМС №21

21-сонли Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС №21) “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича Йўриқнома”ға 2-илова сифатида ишлаб чиқилган.

Мазкур Йўриқномаға ЎЗР АВ 12.11.2003 й. 1181-1-сон билан рўйхатға олинган ЎЗР МВ Буйруғига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

Мазкур стандартда бухгалтерия ҳисоби счётлар режасидаги барча счётларни юритилиш тартиби келтирилган. Ушбу стандартда “Тугалланмаган ишлаб чиқариш” "Асосий ишлаб чиқариш" деб юритилади .

Корхонанинг асосий фаолият тури ҳисобланган маҳсулот (иш, хизмат)лар, асосий ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётида амалға оширилади.

Олдиндан (ижара, абонент тўлови ва ҳ.к.) ёки кейинги даврлардаги (ҳисобдор суммасининг ортиқча харажатлари учун тўловлар ва бошқалар) - корхона харажатлари маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига уларнинг тўланган муддатидан қатъи назар - қайси даврга тааллуқли бўлса ўша ҳисобот даврида киритилади.

2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётининг дебети бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғри харажатлар шунингдек, ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари, асосий ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган эгри харажатлар ва яроқсиз маҳсулот ҳисобига йўқотишлар акс эттирилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғри харажатлар 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётига ишлаб чиқариш захиралари, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ва бошқаларни ҳисобга олувчи счётларнинг кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётига 2310 "Ёрдамчи ишлаб чиқариш" счётининг кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

Асосий ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган эгри харажатлар 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётига 2510 "Умумий ишлаб чиқариш харажатлари" счётидан ҳисобдан чиқарилади.

Яроқсиз маҳсулот ҳисобига йўқотишлар 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётига 2610 "Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар" счётидан ҳисобдан чиқарилади.

2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётининг кредитида тугалланган маҳсулот ишлаб чиқариш, иш ва хизматларни бажаришнинг ҳақиқий таннарх суммалари акс эттирилади. Ушбу суммалар 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётидан 2810 "Омбордаги тайёр маҳсулотлар", 9110 "Сотилган тайёр маҳсулотларнинг

таннархи", 9130 "Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи" счётиларининг дебетига ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счёти бўйича ой охиридаги қолдиқ тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг таннархини кўрсатади.

Аналитик ҳисоб харажатларнинг турлари ва чиқарилаётган маҳсулотларнинг турлари бўйича юритилади. Харажатларнинг юзага келиш жойлари ва бошқа белгилари бўйича гуруҳланиши шунингдек, калькуляцион ҳисоб алоҳида счётлар тизимида амалга оширилади. Ушбу счётларнинг таркиби ва фойдаланиш услубиятини ҳар бир корхона ўзининг ишлаб чиқариш фаолияти, тузилиши, бошқаришни ташкил этиш хусусиятларига қараб белгилайди. Агар харажатларнинг вужудга келиш жойи ва бошқа белгилари бўйича гуруҳланиши ҳамда калькуляцион ҳисоб алоҳида счётлар тизимида ҳисобга олинмаса, 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётининг аналитик ҳисоби ҳам корхонанинг алоҳида бўлинмалари бўйича юритилади.

Асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар (2000)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1	Бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш)да қатнашадиган асосий воситаларнинг эскириши	2010	0211-0299
2	Маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишга тааллуқли бўлган номоддий активларнинг амортизацияси	2010	0510-0590

3	Тўғри материал харажатлари маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишга ҳисобдан чиқарилди	2010	1010-1090
4	Чорвачилик маҳсулотини олиш учун ҳайвонларни сўйиш (ҳайвонлар қиймати)	2010	1110, 1120
5	Материаллар қийматидаги фарқ тегишли улушларда асосий ишлаб чиқаришга ҳисобдан чиқарилди	2010	1610
6	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларни қайта ишлаш учун асосий ишлаб чиқариш цехларига чиқариш	2010	2110
7	Ёрдамчи цехларнинг харажатларини асосий ишлаб чиқаришнинг маҳсулоти ва хизматлари таннархига киритиш	2010	2310
8	Умумишлабчиқариш харажатларининг асосий ишлаб чиқариш маҳсулоти ва хизматларининг таннархига киритилиши	2010	2510
9	Яроқсиз маҳсулотлар ҳисобига йўқотишлар асосий ишлаб чиқариш маҳсулоти ва хизматларлари таннархига киритилди	2010	2610
10	Илгари келгуси давр харажатлари сифатида акс эттирилган харажатларнинг тегишли улуши маҳсулот таннархига олиб борилди	2010	3110-3190
11	Кирим қилинган тайёр маҳсулотнинг омбордан цехларга қайта ишлаш ва ҳоказо учун қайтарилиши	2010	2810

12	Товарлар қайта ишлашга берилди	2010	2910-2990
13	Ишлаб чиқариш учун бевосита цехларга келиб тушадиган моддий қийматликлар ва хизматлар олинди	2010	6010
14	Қондирилмаган даъволар суммаси асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари, иш ва хизматларининг таннархига киритилди	2010	4860
15	Асосий ишлаб чиқаришдаги суғурта харажатлари	2010	6510
16	Асосий ишлаб чиқариш харажатлари бўйича мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар	2010	6520
17	Асосий ишлаб чиқариш ходимларига меҳнат ҳақи тўлаш бўйича суммалар ҳисобланди	2010	6710
18	Ҳисобдор шахслар томонидан амалга оширилган асосий ишлаб чиқариш харажатлари	2010	4220-4290, 6970
19	Асосий ишлаб чиқариш цехларига турли корхоналарга улар томонидан кўрсатилган хизматлар учун қарзлар	2010	6990
20	Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжларга қилган харажатлари	2010	6110, 6120
21	Асосий цехларда аниқланган тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ортиқчалари кирим килинди	2010	9390

22	Материалларнинг асосий ишлаб чиқаришдан қайтарилиши; ўзида ишлаб чиқарилган материаллар, шунингдек қайтариладиган чиқиндиларнинг кирим қилиниши	1010-1090	2010
23	Ҳайвонларни ўстириш ва бўрдоқига боқиш бўйича жорий харажатларнинг ҳайвонлар таннарига (ўсиш ва ортган вазнининг) киритилиши; ҳайвонлар наслининг акс эттирилиши	1110, 1120	2010
24	Тугалланмаган маҳсулотни қайта баҳолаш: а) қийматининг оширилиши б) қийматининг камайтирилиши	2010 3290	6230 2010
25	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар операциялараро омборларга кирим қилинди (ярим тайёр маҳсулот ҳолида)	2110	2010
26	Асосий ишлаб чиқаришда аниқланган тўғриланмайдиган яроқсиз маҳсулотдан йўқотишлар ҳисобдан чиқарилди	2610	2010
27	Маҳсулотни ҳақиқий таннарх бўйича ишлаб чиқариш	2810	2010
28	Савдо ва таъминот корхоналарида ўзида ишлаб чиқарган товарларнинг (қайта ишлашдаги ва хоказо) кирим қилиниши	2910-2990	2010
29	Асосий цехларда бажарилган иш ёки кўрсатилган хизматларнинг сотилиши; тугалланган ва буюртмачи томонидан қабул	9130	2010

	қилинган ишларнинг босқичлари бўйича харажатлар суммасининг ҳисобдан чиқарилиши		
30	Бошқа чиқиб кетган (текинга бериш ва бошқалар) маҳсулот таннархининг ҳисобдан чиқарилиши	9110	2010
31	Табиий офатлар, ёнғин ва шу кабилар натижасида тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар ҳисобдан чиқарилди	9720	2010
32	Асосий ишлаб чиқаришда аниқланган моддий қийматликларнинг камомади	5910	2010

“Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” НИЗОМ

Ушбу Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур Низом хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахсларнинг, шунингдек, юридик шахс бўлмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини аниқлашнинг ягона методологик асосларини белгилайди.

Низом бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида харажатларни ҳисоблаб чиқишда пайдо бўладиган тафовутлар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлилигини аниқлаш мақсадида улар фаолиятининг харажатларини ҳисоблаб чиқиш ва

молиявий натижаларини аниқлаш бухгалтерия хисобининг асосий мақсади хисобланади. Солиқ солинадиган даромад (фойда) хўжалик юритувчи субъектлар харажатларининг айрим моддаларини солиқ ҳақидаги қонунларга мувофиқ солиқ солинадиган базага киритиш йўли билан аниқланади.

Мазкур Низом асосида айрим тармоқлар харажатлари таркиби ва уларни хисобга олиш хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда тегишли вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари (корпорациялар, концернлар, уюшмалар, компаниялари ва бошқалар) томонидан аниқланади.

Мазкур Низомга мувофиқ маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритиладиган харажатлар ва давр харажатлари рўйхати:

- ✓ Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг рентабеллигини ва бозор рақобатбардошлилигини аниқлаш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш давомида хўжалик юритувчи субъектда пайдо бўладиган барча харажатлар тўғрисида бухгалтерия хисоби счётларида тўлиқ ва аниқ ахборот шакллантирилиши;
- ✓ Солиқ солинадиган базани тўғри аниқлаш мақсадида белгиланади.

Мазкур Низомга мувофиқ барча харажатлар гуруҳланиши келтириб ўтилган. Лекин маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларнинг ўзигагина тўхталиш мақсадга мувофиқ.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархига бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади. Уларга қуйидагилар тегишли бўлади: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш усуллари

Тугалланмаган ишлаб чиқариш сарфлари ҳисобини юритишдан мақсад ишлаб чиқариладиган маҳсулот(бажариладиган иш ва хизмат)ларнинг таннархини аниқлаш. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини аниқлашнинг асосий усуллари бўлиб: оддий, меъёрий, буюртма, босқичли усуллар ҳисобланади.

Таннархни аниқлашнинг оддий усули бир турдаги маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқарадиган ва ярим тайёр маҳсулотлар ва тугалланмаган ишлаб чиқаришга эга бўлмаган ташкилотларда қўлланилади. Ушбу усул қўлланилганда ҳисобот давридаги барча ишлаб чиқариш харажатлари барча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархига киритилади. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) бирлигининг таннархи ишлаб чиқариш харажатлари суммасини ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) бирликларининг умумий миқдорига бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Таннархни аниқлашнинг меъёрий усули хом ашё, материаллар, меҳнат ва ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишнинг белгиланган меъёрлари бўйича харажатларни ҳисобга олишга асосланган. Меъёрномалар вақти-вақти билан таҳлил қилиб турилади ва зарур ҳолларда жорий шарт-шароитларга мувофиқ қайтадан кўриб чиқилади.

Таннархни аниқлашнинг буюртма усули ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот (иш, хизмат) (бир хилдаги маҳсулотлар гуруҳи)га доир алоҳида буюртмалар бўйича идентификацияланадиган ва ҳисобга олинadиган якка тартибдаги ва майда туркумли ишлаб чиқаришга эга бўлган ташкилотларда қўлланади. Буюртманинг объекти бўлиб маҳсулот (иш, хизмат), бир хилдаги маҳсулот (иш, хизмат)нинг майда туркумлари ёки таъмирлаш, монтаж ва экспериментал ишлар ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёни узоқ давом этадиган йирик маҳсулотларни тайёрлашда буюртмалар яхлит маҳсулотга эмас, балки унинг тугалланган конструкцияларга эга бўлган алоҳида агрегатлари, узелларига берилиши мумкин.

Таннархни аниқлашнинг ушбу усулида барча харажатлар буюртманинг яқунланишига қадар тўлалигича тугалланмаган ишлаб чиқариш деб ҳисобланади.

Буюртма бирлигининг таннархи унинг бажарилиши (маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ишлар бажарилиши ёки хизматлар кўрсатилиши) тугаллангандан кейин аниқланади. Буюртма бўйича харажатларнинг бутун суммаси унинг таннархини ташкил қилади. Агар ушбу буюртма бир хилдаги маҳсулот (ишлар, хизматлар) туркумидан иборат бўлса, маҳсулот (ишлар, хизматлар) бирлигининг таннархи мазкур буюртма бўйича харажатлар суммасини маҳсулот бирликлари миқдorigа бўлиш орқали аниқланади.

Буюртмалар қисман бажарилиб, улар буюртмачиларга топширилганда қисман ишлаб чиқариш таннархи уларнинг конструкциялари, технологиялари,

ишлаб чиқариш шарт-шароитларидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда илгари бажарилган буюртмаларнинг таннархи бўйича баҳоланади.

Таннархни аниқлашнинг босқичли усули бошланғич хом ашё ва материаллар ишлаб чиқариш жараёнида бир қатор босқич, фаза, поғоналардан ўтадиган ташкилотларда қўлланади. Ушбу усулда аввал барча маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг таннархи, сўнгра унинг бирлиги таннархи аниқланади.

Босқичли усул ташкилотнинг тармоққа мансублигига боғлиқ ҳолда икки вариантда амалга оширилиши мумкин: ярим тайёр маҳсулотли ва ярим тайёр маҳсулотсиз вариантларда.

Ярим тайёр маҳсулотли вариантда ҳар бир босқич бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи ҳисоблаб чиқарилади ҳамда у аввалги босқичлар маҳсулоти (ишлар, хизматлар)нинг таннархи ва мазкур босқич бўйича харажатлардан иборат бўлади. Охирги босқич маҳсулотининг таннархи барча тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи ҳамдир.

Ярим тайёр маҳсулотсиз вариантда фақат охирги босқич маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархигина ҳисоблаб чиқарилади. Бунда харажатлар аввалги босқичлар маҳсулоти (ишлар, хизматлар)нинг таннархини ҳисобга олмасдан, ҳар бир босқич бўйича алоҳида ҳисобга олинади. Тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига барча алоҳида босқичлар бўйича уни ишлаб чиқариш харажатлари киритилади.

Бир технологик жараёнда битта хом ашё ва материаллардан турли хилдаги, улардан ҳар бири ўзининг сотиш нархига эга бўлган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарилганда ушбу турдаги маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) деб аталади.

Асосий маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар), сотиш қиймати асосий маҳсулот

(ишлар, хизматлар)га қараганда жуда паст бўлган маҳсулот (ишлар, хизматлар) қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар) деб аталади.

Қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар)дан биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг фарқи шундан иборатки, уларни тақсимлаш нуқтасига етгунга қадар турли хилдаги маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) сифатида идентификациялаш мумкин эмас.

Биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг сотиш қийматини бўлиниш нуқтасида аниқлаш мумкин бўлган ҳолларда биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқариш харажатларини бўлиниш нуқтасида тақсимлаш қуйидаги усуллардан бири билан амалга оширилади:

а) натура кўрсаткичларидан фойдаланиш усули. Ушбу усулда бўлиниш нуқтасига қадар қилинган харажатлар асосий маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ҳар бир турига унинг натура кўрсаткичларида ифодаланган ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмидаги улушига мутаносиб равишда тақсимланади;

б) бўлиниш нуқтасидаги сотиш қиймати асосидаги усул. Ушбу усулда бўлиниш нуқтасига қадар қилинган харажатлар асосий маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ҳар бир турига уни сотишдан тахмин қилинган тушум умумий суммасидаги улушига мутаносиб равишда тақсимланади.

Биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг алоҳида турлари кейинги қайта ишлов беришга ўтказилган ҳамда бўлиниш нуқтасида уларни сотишнинг жорий қиймати (сотиш қиймати)ни аниқлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда ишлаб чиқариш харажатларини бўлиниш нуқтасида биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) турлари ўртасида тақсимлаш қуйидаги усуллардан бири билан амалга оширилади:

а) сотишнинг соф қиймати усули. Ушбу усулда биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) турлари бўйича харажатлар уларни сотишнинг соф қийматига мутаносиб равишда тақсимланади;

б) ялпи фойданинг сотишдаги доимий улуши усули. Ушбу усулдан фойдаланилганда харажатлар шу тариқа тақсимланиши лозимки, бунда ҳар бир алоҳида маҳсулот (ишлар, хизматлар) учун умумий ялпи фойданинг фоиз улуши бир хил бўлиши ҳамда умумий ялпи фойда кўрсаткичига тенг бўлиши керак. Ялпи фойданинг фоиз улуши биргаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) турларининг умумий таннархини ушбу маҳсулот турларини сотишдан тахмин қилинган умумий тушумдан чиқариб ташлаб, сўнгра фойда миқдорини сотишдан тахмин қилинган умумий тушумдан фоиз кўринишида акс эттириш йўли билан ҳисоблаб чиқарилади.

Агар ишлаб чиқаришнинг бир технологик жараёнида бир вақтнинг ўзида бир қанча турдаги маҳсулот (ишлар, хизматлар) чиқиб, маҳсулот (ишлар, хизматлар)дан бири ёки бир қанча тури асосий (мақсадли) турга тегишли бўлса, унда қолган маҳсулот (ишлар, хизматлар) қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифатида қаралиши мумкин.

Асосий маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини аниқлашда қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг жорий қиймати ёки сотишнинг соф қиймати ишлаб чиқариш жараёнларининг умумий харажатларидан чегирилади, харажатларнинг қолган қисми эса асосий маҳсулот (ишлар, хизматлар)га тегишли бўлади.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг қўшимча турларини ҳисобга олиш қуйидаги усуллардан бири билан амалга оширилади:

а) қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ҳақиқатда сотиш. Ушбу усулда жорий даврда сотилган асосий маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг таннархи қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ҳақиқатда сотиш (соф сотиш) суммасига камайтирилади. Қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг сотилмаган захиралари қолдиғи бўлиниш нуктасидан кейин қўшимча маҳсулотларни кейинги қайта ишланишига қилинган харажатлар суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобга олинади. Қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар)

қолдиғини ҳақиқатда сотиш (соф сотиш) суммаси қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилганда тан олинади;

б) қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ҳақиқатда ишлаб чиқариш. Ушбу усулдан фойдаланилганда асосий маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқаришда сарфланган харажатлар ишлаб чиқарилган қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар) барча миқдорининг соф сотиш қиймати суммасига дарҳол камайтирилади. Сотилмаган қўшимча маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг қолдиғи сотишнинг соф қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқариш тармоғининг хусусиятларига боғлиқ ҳолда қўшимча маҳсулотлар таннархини аниқлашнинг қўлланадиган усуллари ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим.

“Microclimate” корхонасининг тугалланмаган ишлаб чиқариш сарфлари ҳисоби

“Microclimate” Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси **GM Uzbekistan** автомобиллари SPARK ва COBALT учун радиатор ва кондиционер ишлаб чиқаради. Биз COBALT автомобили учун ишлаб чиқариладиган радиаторга қилинадиган харажатларни кўриб чиқамиз.

Октябр ойида 220 дона радиатор ишлаб чиқарилган. Ушбу давр ичида 35 273 034,02 сўмлик харажат қилинган. Бу харажатлар қуйидагилар ҳисобига шаклланган:

- Материал харажатлари;
- Иш ҳақи харажатлари;
- Ягона ижтимоий тўлов харажатлари;
- Амортизация харажатлари;
- Ишлаб чиқаришдан брак;

- Ишчилар учун озиқ-овқат харажатлари.

Материал харажатларига маҳаллий деталлар(2 591 189,49) , асосий материаллар(27 742 381,95), ёрдамчи материаллар(218 076,39), CORE 1 ва CORE 2 махсус материаллари (301 559,57 ва 48 581,19) ва ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлар(445 537,72) киради. Жами материал харажатлар 35 273 034,02 (2591189,49+27742381,95+218076,39+301559,57+48581,19+445537,72) сўмни ташкил этди (1-илова). Материал харажатларини тугалланмаган ишлаб чиқаришга киритилишини қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси ёрдамида акс эттирамиз:

Дт Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2010) **35 273 034,02**

Кт Материаллар (1010) **35 273 034,02**

Бизнинг корхонада 100 нафар ходим ишлайди. Иш хақи харажатлари эса 1 945 448,11 сўмни ташкил этади (2-илова). Уларга ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов эса 590 480,96 сўмни ташкил этади (3-илова). Юқоридагиларга қуйидагича бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Дт Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2010) **2 535 929,07**

Кт Ходимларга ҳисобланган иш хақи (6710) **1 945 448,11**

Кт Ягона ижтимоий тўлов (6510) **590 480,96**

Амортизация харажатларига қуйидагиларни киритамиз: ишчи машина ва жиҳозларга ҳисобланган амортизация (469 083,04), тартибга солиш ва ўлчаш ускуналарига ҳисобланган амортизация (28 362,36), қурилиш машиналарига ҳисобланган амортизация (6 129,28), ерни ободонлаштиришнинг амортизацияси (235,66), узатиш мосламалари учун ҳисобланган амортизация (17 086,81). Жами амортизация харажатлари эса 520 897,15 (469083,04+28362,36+ 6129,28+235,66+17086,81) сўмни ташкил этади(4-илова). Амортизация харажатларини

тугалланмаган ишлаб чиқариш сметиға киритиш учун қуйидаги ўтказма берилади:

Дт Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2010) **520 897,15**

Кт Амортизация харажатлари (0200) **520 897,15**

Ишлаб чиқаришдан 449 179,15 сўмлик браклар аниқланди. Уларни ҳам маҳсулот таннархига киритамиз. Ва қуйидаги ўтказмани берамиз:

Дт Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2010) **449 179,15**

Кт Ишлаб чиқаришдан брак (2610) **449 179,15**

Ишчилар учун 419 702,34 сўмлик озиқ-овқат харажатлари сарфланган. Бу ҳам ишлаб чиқариш таннархига киритилиади ва устама харажатлар таркибида юритилади. Ушбу харажатни тугалланмаган ишлаб чиқариш сметиға қабул қилиш учун уйидаги ўтказма берилади:

Дт Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2010) **419 702,34**

Кт Ишлаб чиқариш устама харажатлари (2510) **419 702,34**

Ишлаб чиқарилган 220 дона маҳсулотни 35 429 093,19 сўм билан “Тайёр маҳсулот” (2810) сметиға ўтказамиз:

Дт Тайёр маҳсулот (2810) **35 429 093,19**

Кт Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2010) **35 429 093,19**

Юқоридаги операциялардан сўнг тугалланмаган ишлаб чиқариш смети қуйидагича акс эттирилади:

2010 “Тугалланмаган ишлаб чиқариш”

S1	372 870,12	
	31 347 326,31	
	1 945 448,11	35 429 093,19
	590 480,96	
	449 179,15	
	419 702,34	
	520 897,15	
	35 273 034,02	35 429 093,19
S2	216 810,95	

Шундай қилиб 220 дона радиатор таннарни 161 041,33 сўмга тўғри келади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш счєтининг ой охирига қолдиғи 216 810,95 сўмни ташкил қилди (7-илова).

Хулоса. Таннархни пасайтириш бўйича тавсиялар

Тугалланмаган ишлаб чиқариш сарфлари ҳисобини юритишдан асосий мақсад ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таркибидаги харажатларни назорат қилиш ва маҳсулот таннарҳини имкон борича камайтириш. Юқорида харажатлар таркиби, турлари ва туркумланиши ҳақида анча гапириб ўтдик. Хулоса ўрнида маҳсулот таннарҳини камайтиришнинг бир нечта йўллари келтириб ўтамиз.

Ишлаб чиқариш харажатларининг пасайтиришда ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш катта таъсир кўрсатади. Янги техникани жорий қилиш ва маҳсулот тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш жараёналаринг камайишига комплекс таъсир кўрсатади. Улар моддий ресурслардан янада самаралироқ фойдаланиш, буюмларни тайёрлашга кетадиган меҳнат сарфини камайтириш имконини беради.

Амалдаги жихозларни замонавийлаштириш ҳамда қўлланилаётган техникадан фойдаланишни ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларини анчагина камайтиришга эришиш мумкин. Янги техника ва прогрессив технология асосида ўтган ва жонли меҳнатни тежашга эришилади. Моддий ресурсларда буюмлашган ўтган меҳнатни тежаш худди шу миқдордаги хом ашё ва материаллардан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради; жонли меҳнат сарфини тежаш маҳсулот унумдорлигини ошириш имконини беради, яъни ҳар бир ишчига ҳисобланаганда кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон яратади. Бунга фан-техника тараккиёти ёрдам беради. Янги техника ва илғор технология ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш асосида меҳнат унумдорлиги ошиб боради бу эса ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга олиб келади.

Моддий ва пул маблағларини сарфлашда катъий иқтисодий тежашга риоя қилиш катта аҳамиятга эга. Асбоб ускуналарни асрашга доир сарфларини камайтириш, материал шунингдек ишлаб чиқариш

чиқиндиларидан максимал фойдаланиш. Брак натижасида руй берадиган нобудгарчиликларни камайтириш, фондларининг самарадорлик даражасини ошириш, иш хақи фондини рационал сарфлаш, цех ва умумзаовд харажатларини камайтириш – буларнинг барчаси у ёки бу даражсида маҳсулотнинг арзонлашувига таъсир кўрсатади.

Моддий техника таъминотини яхшилаш ишлаб чиқариш харажатларини камайишига олиб келади. Корхонанинг хом-ашё материал, ёқилғи ва энергия етказиб беришнинг узилиб қолиши ишлаб чиқариш ритмини бузишга, бекор туртиб қолишларига, ой охирида хайбаракалчаликка ва окибат натижада унумсиз харажатларга олиб келади. Корхона иқтисодиётга хаддан ташкари нормативдан ортикча запасларни бўлиши хам салбий таъсир кўрсатади. Запас кўпайиб кетганда оборот маблағлари ошиб кетади, молиявий ахвол ёмонлашади, ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги пасайиб кетади.

Ишлаб чиқариш харажатларини камайитиришга меҳнатни ташкил этишда такомиллаштириш таъсир кўрсатади. Ҳар кандай техникадан хатто янгисидан хам ишлаб чиқаришни тўғри ташкил қилмай туриб, максимал равишда фойдаланиш мумкин эмас. Шунинг учун технологик процессларни механизация ва автоматлаштириш билан бир қаторда, меҳнатни илмий асосда ташкил этишга катта эътибор бериш керак.

Маҳсулот таннархини пасайитиришда ҳисоботнинг роли каттадир. Ҳисоб олиб бориш ёқилғи ва энергиядан, хом ашё ва материаллардан рационал фойдаланишга ёрдам беради, харажатларни камайитириш ва корхона жамғармасини ошириш иконини беради. Коллективнинг кучини етиштириладиган маҳсулотнинг таннархини пасайитиришга каратиш учун ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатларни тўғри режалаштириш ва ҳисобга олиш зарур. Иқтисод қилиш йулларни аниқлаш, ортикча харжатларнинг сабабини очиб ташлаш учун бу харжатларни доимий таҳлил қилиб туриш керак. Ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш

режасининг бажарилишини таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш рентабеллигининг ошиши учун корхонадаги барча ишларнинг такомиллаштириши учун муҳим аҳамиятга эга. Лекин таҳлил фақатгина таннархнинг пасайтириш режасини бажарилишига қўйилган баҳо билан чегараланмайди, у ишлаб чиқариш харажатларини янада камайтириш учун тахликий ва техникавий ҳаракатларни ҳам кўриши керак.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни таҳлил қилишнинг ишчиларнинг актив иштирок этишлари уни пасайтиришнинг муҳим йулидир. Ҳаражатлар корхонага боғлиқ бўлмаган омилларга қараб ўзгаради. Масалан: ресурс нархининг ҳар хиллиги, хизмат ҳаққининг тебраниши корхона хоҳишидан катъий назар харажатларни ўзгартиради. Корхонада ишлаб чиқариш кўлами кенгайса, ресурслар сарфи қисқаради, чунки улар камроқ исроф этилади. Ресурсларни тежовчи технология жорий этилганда харажатлар кескин қисқаради. Ўртача харажатлар меҳнат унумдорлигига нисбатан тесқари мутаносибликда ўзгаради. Меҳнатни унумдорлигининг ортиши ҳам моддий ҳам меҳнат сарфини қисқартиради.

Ҳаражатларни доимий равишда пасайтириб бориш корхона фойдасини оширишнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Зеро маҳсулот баҳоси таркибининг асосий элементлари бу харажат ва фойдадир. Бинобарин харажатлар канчалик қисқариб борса, шунга мос фойда ошиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. «Ўзбекистон овози» газетаси 1996 йил 17-сентябр.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. «Ўзбекистон овози» газетаси 1996 йил 30-май.
3. Ўзбекистон Республикасининг инвестицион фаолият тўғрисидаги қонуни, 1998й., 24-декабр
4. «Маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларни шаклланиши» ҳақидаги Низом. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. 1999 йил, 5-феврал.
5. “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича” Қоидалар 2003 й, 24 январ.
6. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари». Т.; 1994.
7. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари». Т.; «Ўзбекистон» 1995.
8. Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». Т.; «Ўзбекистон» 1996.
9. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида». Т.; «Ўзбекистон» 1996.
10. Каримов И.А. «Иқтисодиётни эркинлаштириш - фаровонлик пойдевори». Т.; «Ўзбекистон овози» газетаси 2000 йил, 22-июль.
11. Каримов И.А. «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз». Т.; «Ўзбекистон» 2000.
12. Хасанов Б. Молиявий ҳисоб. Дарслик. –Т.: Иқтисодиёт - Молия, 2005
13. Сотволдиев А. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. - Т.: ЎзРБ ва АМА, 2005
14. Каримов А.А. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. - Т.: Шарқ, 2004
15. Очилов И.К. Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисодиёт - молия, 2007
16. Машарипов О. А. Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма. - Т.: ЎзРБ ва АМА, 2006

- 17.Пардаев А. Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма. - Т.: Фан ва технологиялар, 2004
- 18.Хасанов Б.А. Молиявий ҳисобда бюджетлаштириш. Ўқув қўлланма. - Т.: Ўқитувчи, 2005
- 19.Очилов И. К. ва бошқ. Молиявий ҳисоб - 2. Ўқув қўлланма. - Т.: ТМИ, 2004
- 20.Друри К. Управленческий и производственный учет. – М.: Юнити, 2003
- 21.Хорнгрен Ч. Т., Фостер Дж., Датар. Ш. Управленческий учет. - М.: Питер, 2007.
- 22.Хорнгрен Ч. Т. , Фостер Дж. Бухгалтерский учет: управленческий аспект. – М.: ФиС, 1995
- 23.Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуелл Э. Принципы бухгалтерского учета. – М. : ФиС, 2003
- 24.Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва унга шарҳ./Ўқув қўлланма.– Т.: Молия,1999.-78 б.
- 25.Ибрагимов А.К. ва Қўзиев И.Н. Янги ҳисобварақлар режаси. /Ўқув қўлланма. –Т.: Шарқ. 2004. -131 б.
- 26.Очилов И.К. ва бошқ. Молиявий ҳисоб-2. /Ўқув қўлланма. – Т.: ТМИ, 2004. - 260 б.
- 27.Сотиволдиев.А.С. Иткин.Ю.М. «Замонавий бухгалтерия ҳисоби (Янги счётлар режаси асосида). Ўқув қўлланма. ПБ ва АА-2002. -360 б.

Интернет сайтлари

- 28.www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги сайти;
- 29.www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати сайти;
- 30.www.soliq.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси сайти;
- 31.www.norma.uz
- 32.www.lex.uz